

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУКУМОВА ФЕРУЗА ХУДОЙҚУЛОВНА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД
КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технология)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мукумова Феруза Худойкуловна

Ўқувчиларнинг миллий хунармандчилиikka оид креатив
қобилиятларини ривожлантириш технологиялари..... 3

Мукумова Феруза Худайкуловна

Технологии развития учащихся креативных способностей касающихся
национального ремесленничества..... 23

Mukumova Feruza Khudoikulovna

Technologies for developing students' creative skills in national
crafts..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУКУМОВА ФЕРУЗА ХУДОЙҚУЛОВНА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД
КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технология)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазиrлар Махкамаси хузуридаги **Олий аттестация комиссиясида**
B2020.3.Phd/Ped1220 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tersu.uz) ҳамда Ziyonet ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қўйсннов Одил Алмуротович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар: Булатов Саидахбор Собитович
педагогика фанлари доктори, профессор
Нормуродов Чори Бегалиевич
физика-математика фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот: Қўкон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "29" 12 кuni соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: temizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш. Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: temizdu@umail.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил "17" 12 кuni тарқатилди (2021 йил "17" 12 даги 18- ракамли реестр баённомаси).



И.Т.Чориев
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.К.Бозорова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

А.Ж.Худойкулов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим ва маданиятларнинг интеграллашуви, “гибрид маданият”, “оммавий маданият”, индивидуализм ҳодисаси миллий таълим моделини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашни долзарб илмий-педагогик муаммога айлантирмоқда. Ушбу муаммо ечими миллий туйғу ва ғурурни шакллантиришга хизмат қилувчи халқ хунарманчилиги воситасида ўқувчиларнинг ижодкорлик ва креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг прогрессив миллий таълим-тарбия, усул ва воситаларини, ўқитишнинг инновацион технологияларни жорий этиш эҳтиёжи ва заруратини кучайтирмоқда.

Жаҳон таълим муассасаларида инновацион ёндашувлар асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг креатив-модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. ЮНЕСКОнинг “Барча учун илмий ва технологик саводхонлик” Халқаро лойиҳаси (International project on scientific and technological literacy for all)¹ доирасида таълимнинг глобал вазифаларини амалга ошириш, технологик дунёқараш, технологик саводхонлик, технологик компетентликни шакллантириш, инновацион ёндашувларни амалиётга самарали татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Маданий-маънавий қадриятларни сақлаш, халқ амалий санъати, миллий хунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва уларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида технология ўқув фанини ўқитишда янада юқори натижаларга эришиш учун ўқувчиларга халқ хунарманчилигининг замонавий шакллари ва йўналишларини ўргатиш методини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш ва мазмунан замонавийлаштириш, айниқса, ўқитишнинг интерфаол методлари ва дидактик воситалари, компьютер графикаси ва педагогик дастурий воситаларни қўллаш борасида кенг қамровли, мақсадли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги замон таълим-тарбия соҳасидаги стратегик вазифаларнинг муҳим йўналишларини белгилаш учун имкониятлар яратилди. “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”²ги фармонда ўқувчи-ёшларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб етишишида, уларда миллий руҳ ва ифтихор ҳиссини уйғотишда халқ хунармандчилиги ва устоз-шогирдлик мактабларининг устувор аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 17 ноябрдаги

¹Scientific and Technological literacy for all. Materials from the UNESCO-ICASE-CSEC Delhi Workshops.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон фармони. www.lex.uz.

«Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли, 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармонлари, 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб-хунар эгаллашнинг муҳимлиги, хунармандчиликнинг турли соҳалари ва халқ амалий безак санъати турлари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Тадқиқот муаммоси соҳасида ватанимиз олимларидан А.И.Воробьев, И.Т.Чориев, Ю.Ғ.Маҳмудов, И.И.Каримов, П.Т.Магзумов, З.Очилов, С.С.Булатов, Н.А.Муслимов, Р.М.Сарсенбаева, Д.А.Зоҳидов, Р.Н.Ашуров, И.Б.Камолов, М.Х.Шомирзаев, Л.Р.Зарипов, Б.Э.Қодиров, А.А.Абдурашидовлар илмий изланишлар олиб боришган бўлиб, уларнинг ишларида ўқувчиларнинг билиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини ташкил этиш муаммолари ёритилган.

Педагог олимлардан О.Жамолиддинова, О.Мусурмонова, М.Уразова, Н.Эгамбердиева, Э.Юзликаева, Б.Иманов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов, Ш.Шодмоноваларнинг илмий изланишларида креативлик қобилиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, шакллари, педагогик шарт-шароитлар, дидактик таъминоти, шунингдек, педагогик креативлик мазмуни ёритиб берилган.

Инновацион таълим ва интерфаол таълим методлари ўқувчиларда ўз-ўзини ижодий фаоллаштириш, креатив ишланмалар (маҳсулотлар)ни яратишга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган эркин таълим муҳитини ташкил этиш муаммолари А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизходжаева, У.Ш.Бегимкулов, Ж.Ф.Йўлдошев, Ю.Круглова, И.Риданова, В.Сластенин, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, Б.Ҳ.Ходжаевларнинг илмий тадқиқот ишларида асосланган.

МДХ мамлакатларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини муаммоли вазиятлар ёрдамида ташкил этиш, уларда ижодкорлик жараёнини бошқариш кўникмаларини шакллантириш масалалари П.Н.Андрианов, В.А.Горский, В.И.Качнев, В.Г.Разумовский, Г.Нойнер, В.Калвейт, Н.Ф.Талызина Х.Клейн, Ю.С.Столяров, В.С.Пель, А.В.Ефанов, А.Ю.Окладников, Т.Б.Антипова, О.А.Серенко, Г.А. Балл, М.И. Махмутов, Е.И. Машбиц, А.И. Уман, Т.И. Шамовалар томонидан батафсил ўрганилган.

Хорижий мамлакатлар олимлари G. Spenser, H.Miyakawa, B.Blumлар ўзларининг фалсафий, экспериментал психологик тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг билиш, креатив қобилияти, айниқса, уларни ўқувчилар дарс ва синфдан ташқари фаолиятида ривожлантириш, креативликни шакллантириш муҳитининг таъсирини очиб беришган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф7-34 “Миллий ҳунармандчиликда инновацион жараёнларни технология фанида ўрганишнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2014-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг миллий ҳунармандчилик бўйича креатив қобилиятларини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий ҳунармандчилик моҳияти ҳақидаги билимларни ҳунармандчиликка оид кўникмаларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаштириш ҳамда ўқувчиларга керакли бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг креатив фикрлашини кучайтириш;

ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид билимларини амалда қўллаш қобилиятини шакллантиришнинг психологик-педагогик (мотивацион-когнетив, амалий-операцион, рефлексив-ижодий) жиҳатларини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг ижодкорлик маҳорати ва креатив ҳамда ижодий қобилиятларини миллий ҳунармандчилик анъаналарига хос модел сифатида ривожлантириш;

ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш ва креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг миллий ҳунармандчилик бўйича креатив қобилиятларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Сурхондарё, Бухоро, Сирдарё вилоятларида 6 та умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларидан 952 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг миллий ҳунармандчилик воситасида креатив қобилиятларини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил қилиш, анкета, савол-жавоб, хорижий ва илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, суҳбат, педагогик эксперимент, кузатиш, эксперт баҳолаш, тест ва сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синов натижаларига математик-статистик ишлов бериш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг фаолиятли, психомоторик ва инновацион ёндашувлари асосида мақсадга эришиш имкониятлари аниқлантирилиши асосида ижодий таълим муҳитини яратишнинг ўқув - дидактик таъминоти (дидактик ишланмалар, инновацион технологиялар) такомиллаштирилган;

ижодкорликка йўналтирилган ўқитиш тизими асосида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари инновацион таълим технологиялари ва амалий фаолият тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти (“Technology crafts” Web сайти, электрон дастури), инновацион таълим технологиялари (“Hand craft” методи, “Magik finger Art”, “Кластер” тармоқлари, “ВЕНН” диаграммаси, “БББХ” ва “Ролли ўйин”) ва интерактив методлари асосида фаолиятли модели ишлаб чиқилган ҳамда методик жараён такомиллаштирилган;

мажмуавий педагогик тажрибалар ва ижодий, амалий топшириқларини лойиҳалаш асосида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларининг миллий хунармандчилик воситасида ривожланганлиги даражаларини баҳолаш мезонлари (мотивацион-когнетив, амалий-операцион, рефлексив-ижодий) оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида «Технология» фанидан дарс ва синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш учун Android Apk дастурида “Полимер материалларга ишлов бериш технологиялари” ва “Ўзғоршунослик асослари” электрон қўлланмалари, iSpring QuizMaker дастурида “Ностандарт тестлар”, HTML дастурлаш тиллари асосида “Technology crafts” Web-сайти технологияси бўйича электрон таълим ресурслари яратилган ва амалиётга жорий қилинган;

ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини миллий хунармандчилик воситасида ривожлантиришнинг инновацион таълим технологиялари (“Hand craft”, “Magik finger Art” методлари, “Кластер”, “ВЕНН”, “БББХ” усули ва “Ролли ўйин”) методлардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилиб, «Технология» фани дарсида ва дарсдан ташқари машғулотларда татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг

математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги замон миллий ҳунармандчилик моҳияти ҳақидаги билимлар билан ўқувчиларни қуроллантириш ва шу асосда уларнинг ижодий фикрлаши ривожлантирилди; ўқувчиларда олган билимларини миллий ҳунармандчиликда яратувчанлик учун қўллаш қобилияти шакллантирилди; ўқувчилар касбий маҳорати ва қобилиятларини миллий ҳунармандчилик анъаналарига хос шакллантирилди; меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш, ижодий ташаббускорлик ва серҳаваслик, ишонччилик, табиат бойликларига, ҳунармандчилик объектлари ҳамда технологик жараёнларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш хислатлари шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-методик муаммонинг тадқиқотда қўйилган вазифалар даражасида ҳал қилинган, шунингдек, ўқитиш жараёнида унинг аҳамияти ва зарурияти очиб берилганлиги ҳамда тадқиқот ишида илгари сурилган фаразлардан «Технология» фанини ўқитиш бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологияси бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мотивацион-когнитив, амалий-операцион, рефлексив-ижодий имкониятлари аниқланиб, креатив таълим муҳитини яратишнинг ўқув - дидактик таъминоти (ишланмалар, технологиялар) такомиллаштиришга оид таклифлар таълим тизимида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ДТС ларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 01/09-599-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф ва тавсиялар «Технология» фани мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар мазмунига сингдирилган;

шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари, технологиялари ва амалий йўналганлик тамойили асосида ижодкорликка йўналтирилган ўқитиш тизими такомиллаштирилган. Ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини миллий ҳунармандчилик воситасида

ривожлантиришнинг дидактик асослари (“Техonology crafts” Web сайти, электрон дастури), инновацион таълим технологиялари (“Hand craft”, “Magik finger Art” методлари, “Кластер” тармоқлари, “ВЕНН” диаграммаси, “БББХ” ва “Ролли ўйин” методлари) асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан ПЗ-2014-0912150534 рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2015-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 01/09-599-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ёндашувлар ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологиясининг сифат ва самарадорлигини таъминлаган;

мажмуавий педагогик тажрибалар ва ижодий, амалий топшириқларни лойиҳалаш асосида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларининг миллий ҳунармандчилик воситасида ривожланганлиги даражаларини баҳолаш мезонлари (мотивацион-когнетив, амалий-операцион, рефлексив-ижодий) оптималлаштиришга оид таклифлар 574099-ЕРР-1-2016-1-IT-ЕРРКА2-СВНЕ-SP рақамли «Олий таълим соҳасидаги салоҳиятни ривожлантириш йўналишидаги PAWER – ҳудудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ва тенгликни таъминлаш» (2016-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган ва “Технология” фани ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги 01/09-599-сон маълумотномаси). Натижада, «Технология» фанини ўқитиш ва ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларни ривожлантириш технологияси самарадорлигининг ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 4 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шундан 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида чоп эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши ёритилган, назарий ҳамда амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида хунармандчиликнинг пайдо бўлиши, унинг қишлоқ хўжалигидан ажралиши ва ривожланишининг ижтимоий-тарихий асослари, юртимизда мустақиллик шароитида миллий хунармандчиликнинг ривожланиши, ўқувчиларни хунармандчиликка ўргатиш орқали уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, креативлилик, ижодкорлик тушунчалари таҳлили, креативликнинг тарихий-ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, ўқувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантиришда ирсиятнинг роли, креативлиликнинг психологик асоси, фикрий-тафаккур модели, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг хунармандчиликка оид креативлилик (яратувчанлик, ижодкорлик) қобилиятларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари ёритилган.


Миллий хунармандчиликнинг турли соҳаларини ўрганишда ўқувчилар куйидаги билимларга эга бўладилар: маълум касб-хунар соҳаларининг тарихи, келиб чиқиши, этник илдизлари, халқ усталари ва уларнинг ижодий фаолиятлари; хунармандчиликнинг шакл ва жаҳон маданиятида тутган ўрни, соҳаларининг тарқалиши, жўғрофияси, турлари, уларнинг йўналишлари ва ҳ.к;

Миллий хунармандчилик асосларини эгаллашда ўқувчилар куйидаги амалий кўникма ва малакаларга эга бўладилар: турли хилдаги материалларни танлаш ва уларга ишлов бериш; хунармандчилик асбоблари, мосламалари билан ишлаш; маълум соҳаларда фойдаланиладиган электр ва механизациялаштирилган қурилмалар, мосламалар ва ускуналар билан ишлаш; буюмларни, хунармандчилик асарларини асраш, таъмирлаш; йўл-йўриқли, операцияли, технологик ва ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш; жараёнларни амалга ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида тайёрланган буюмларни ва асарларни истеъмолга чиқариш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг асосий 25 та фаолият тури рўйхати асосида имтиёзлар қўлланилади. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг креатив қобилиятларига


кўйиладиган ўқувчилар ҳунармандчилик фаолияти турлари 1-расмда келтирилган.

Халқ ҳунармандчилиги соҳаларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган машғулотларнинг моддий, хом ашё, материаллар билан таъминланишини йўлга қўйишда деярли барча мактабларда маҳаллий имкониятлар мавжуд. Халқ ҳунармандчилигининг меҳнат ва касб-ҳунар таълимида мунтазам ўрганилиши ўғил ва қиз болалар меҳнатини, қишлоқ ва шаҳар мактабларида муқобил машғулотларнинг ташкил этилишини, қолаверса, ўқувчиларнинг таълим муассасасини битирганларидан сўнг доимий иш ўринлари билан таъминланишларини тартибга солади. Халқ ҳунармандчилиги соҳаларини ўрганиш ва ўргатиш, меҳнат юмушларини кетма-кет бажарадиган "ишчи-роботлар", "ишчи-механизмлар" тайёрлашни қисман бўлса-да инкор этади ва ижодий фикрлайдиган, мустақил фаолият кўрсата оладиган, юқори даражада умуминсоний ва миллий фазилатларига эга бўлган, муомалали, одоб-ахлоқли инсонларни тарбиялаш имкониятлари мавжуд.



1-расм. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг креатив қобилиятлари ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Шунингдек, тадқиқот ишимизда ўқувчиларни креативликка ундовчи мотивлар ҳақида сўз юритилган (2-расмга қаранг).




2-расм. Ўқувчиларни креативликка ундовчи мотивлар.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг методик асослари**” деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларни миллий хунармандчиликка оид креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик асослари, ўқувчиларнинг яратувчан ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг тизим сифатида ўзига хос жиҳатлари, миллий хунармандчилик бўйича ижодкорлик жараёни тизими, даҳо, талант, истеъдод ва қобилият тушунчалари таҳлили, креатив (яратувчан) ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш масалалари, хунармандчилик тури фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида фикр юритилган ҳамда ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришда Б.Блум таксономияси асосида фаолиятли модели ишлаб чиқилган.

Креатив қобилиятларни ривожлантириш асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларида яратувчанлик имкониятларини шакллантириш ишлари турли кўринишларда амалга оширилди. Педагогик изланиш натижаларига асосланиб, биз мактаб ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантириш технологияларининг фаолиятли моделини ишлаб чиқдик (3-расм). Мактаб ўқувчиларида миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологиялари фаолиятли модели ўз ичига мақсад, педагогик жараён, натижа компонентларини қамраб олган.

Мақсад, технология фани машғулотларида мактаб ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологияларини юқори даражада шакллантиришга эришишдир.



3-расм. Ўқувчиларнинг миллий хунарандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг фаолиятли модели.

Педагогик жараёни ташкил этиш бўйича умумий ўрта таълим мактаблари технология фанини такомиллаштириш орқали дастур мазмунига креатив технологияларни сингдириш, ўқитишнинг моҳияти (ДТС, меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар), шакли (жамоа, гуруҳли, индивидуал), методи (анъанавий ва ноанъанавий) ва воситалари (кўрғазмали, босма, аудиовизуал, электрон, интерфаол доска, электрон таълим ресурслари (ЭТР), дидактик материаллар, ўқув устахонасининг асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва бошқалар) акс эттирилган. Ўқувчиларда технологик билим, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини бошқариш, ривожлантириш ва мустақил билим олиш, таҳлил қилиш, янгиликларни излаш, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш, технологик инновациялар асосида буюм ва маҳсулот турларини, уларда креативликни шакллантириш ва ишлов бериш усулларини билиш, технологик лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш ва ўз-ўзини ривожлантиришни акс эттирувчи андоза ҳисобланади. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологиялари тадқиқотимизнинг асосий категорияси ҳисобланиб, бунда инновацион технологиялар (“Technology crafts” Web-сайти, “Ролли ўйин”, “Hand craft”, “Magik finger Art” методлари, креатив қобилиятларни ривожлантирувчи топшириқлар, тайёр буюм намуналари) асосида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва натижа сифатида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологияларининг самарадорлиги илмий асосланди.

Замонавий миллий ҳунармандчилик тараққиёти ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги мақсади, вазифаси ва мазмунини бевосита қамраб оладиган ижодкорлик фаолияти билан тавсифланади. Буни фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларнинг уйғунлашиб кетиши натижасида фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиши, меҳнат турлари ва мазмунининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, унда яратувчан ижодкорликнинг аҳамияти ошиб кетганлиги билан асослаш ўринли. Бу эса, ёшларнинг яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Яратувчанлик ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш узоқ ва мураккаб жараён бўлгани боис бу йўналишдаги ишларга ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фаолиятининг биринчи куниданоқ катта масъулият билан қараши лозим бўлади. Миллий ҳунармандчиликда ўқувчилар яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга асосий уч турдаги ижодкорлик масаласи қамраб олади.

1. Ҳунармандчиликда конструкция уйғунлиги масалалари. Бу масала:

а) буюм мустаҳкамлиги, турғунлиги ва ишончлилигини оширишни; б) зарарли таъсир ёки ҳодисани бартараф қилиш усулини; в) буюмни тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда унинг шакли мувофиқ бўлишини, уларни мустаҳкамлаш, материалларни тўғри танлаш ва зарур бўлганда, бошқасига алмаштириш каби

ишларни тўғри аниқлашни; г) буюмни ишлатишга қулай, эстетик юқори ва енгил бўлиши учун ўзгартиришлар киритишларни назарда тутати.

2. Технологик масалалар. Бу масала: а) белгилаб олиш ва назорат қилишнинг энг мувофиқ усуллари танлашни; б) қийин операцияларни бажаришни енгиллаштиришни, ортиқча зўриқиш, вақт ва материални тежаб ишлатишга имкон берувчи технологияларни танлашни; в) ўзининг толиқмасдан ишлашни таъминловчи технологияларни танлашни; г) буюмни танлаш сифатини яхшилашни таъминловчи операциялар бажариш технологияларини танлашларни кўзда тутати.

3. Ташкилий масалалар. Бу масалалар: а) меҳнатни самарали ташкил қилишни; б) иш жойини мувофиқ режалаштиришни; в) қурол ва мосламалардан техника хавфсизлигига риоя қилган ҳолда фойдаланишни; г) ишни бажариш усуллари такомиллаштиришларни назарда тутати.

Мазкур сўз юритилган ўқувчилар яратувчан ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш масалалари ўз навбатида уларни амалга оширишининг ўзига хос режасини ишлаб чиқишни талаб қилади. Тажрибаларнинг кўрсатишича ишни тўғри режалаштиришда қуйидаги омилларни эътиборга олиш лозим бўлади:

1.Зарур моддий-техник база билан таъминлаш (иш жойи, керакли асбоб-ускуналар, кўргазмали воситалар).

2.Ўқувчиларнинг қизиқиши, мойиллиги ва қобилиятига кўра тўғаракларга танлаб олиш.

3.Тўғаракда машғулот ўтказишнинг шакллари ва усуллари самарали ташкил қилиш (оммавий, индивидуал сўзлаб бериш, баён қилиш, намоиш қилиш, техник масала ечиш, ижодкорлик ўйинлари, тренинг, изланиш стратегияси ва ҳоказо).

4.Кўргазма, кўрик-танловлар ташкил қилиш ва яқун яшаш.

Барча сўз юритилган ижодкорлик ишлари масалалари ечими ва уларни режалаштиришлар ўз навбатида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Ушбу ташкилий педагогик жиҳатлар доирасида ўқувчилар ҳар хил объектларда фаолият кўрсатадилар. Аммо улар учун ҳар хил бўлган техник ижодкорлик ишлари мазмуни ва бажарилиши кетма-кетлиги тахминан бир хилдаги босқичларни тақозо этади. Бунга қўйилган ижодкорлик масаласига оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; буюмга оид чизма, эскиз, лойиҳалаш ишларини бажариш; буюмни тайёрлаш; эстетик жиҳозлаш; амалда синаб кўриш ва кузатилган нуқсонларни бартараф қилиш; ижобий натижаларни жамоатчиликка тақдим қилиш (мақола, танловга қатнашиш ва ҳоказо) га эътибор қаратилади.

Юқорида баён этилган ўқувчилар яратувчан, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш йўналишларига қуйидагилар қиради:

замонавий миллий хунармандчиликка оид тамойиллар ҳақидаги билимлар билан ўқувчиларни қуроллантириш ва шу асосда фикрлашини кенгайтириш; ўқувчиларда билимларни миллий хунармандчиликка оид

яратувчанлик масалаларини ҳал этиш учун қўллаш қобилиятини билим ҳамда тафаккурини ривожлантириш; энг кўп тарқалган ижодкорлик масалаларини ечиш усул ва тамойиллари моҳиятини ўқувчиларда ҳосил қилиш; жамиятга хос шахсий маънавий сифатларни шакллантириш, ташаббускорлик, ўз ишига ишончлилик, синчковлик руҳида қараш ва танқидий муносабатда ёндашиш.

Ўқувчилар ижодкорлигини ифодаловчи назарий ва эмпирик фикрлашга тааллуқли сифатларидан учта энг зарури бўйича ўқувчилар яратувчанлик, ижодкорлик қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун тадқиқот ўтказилди. Қуйида тадқиқот натижаси келтирилган (1-жадвал).

Бу ерда: а - юқори, б - оптимал, в - ўртача, г - бошланғич ижодкорлик қобилиятларига эга бўлган ўқувчиларга тааллуқли.

Тадқиқотимизга кўра, ўқувчиларнинг ижодкорлик масалалари ечимини шакллантиришга оид шахсий сифатлари ҳали талаб даражасида эмас, айниқса, бошланғич савияга эга бўлган ижодкорликка тайёргарлик даражасидагиларнинг 81-92 фоизи шахсий сифатларини ривожлантиришлари лозим.

1-жадвал

Ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари.

Ижодкорнинг шахсий сифатлари номи		Мустақил бажара олади % ларда	Камдан-кам ҳолларда бажаради % ларда	Бажара олмайди % ларда
Берилган топшириқ режасини туза олиши	а)	40	54	6
	б)	28	31	41
	в)	9	41	50
	г)	0	4	96
Ишчи фаразни ишлаб чиқа олиши	а)	46	36	18
	б)	22	44	34
	в)	16	25	59
	г)	3	16	81
Натижаларни расмийлаштира олиши	а)	16	50	34
	б)	9	40	51
	в)	4	1	80
	г)	0	8	92

Бунда ўқувчининг яратувчан ижодкорлик белгиси миллий хунармандчиликнинг ҳар бир соҳаси, мутахассислик ёки фан бўйича мутасадди мураббийлар томонидан аниқлаб олинади, чунки битта “қолип”га тушадиган мезон ёки ўлчов бўлиши мумкин эмас. Бу ерда яратувчан ижодкорликни аниқлаш индивидуал имкониятларни ҳисобга олиш тамойилига асосланган бўлиши муҳим ҳисобланади ва бу жараён:

Биринчи босқичда ўқувчини яратувчан ижодкорликка мойиллигини белгиловчи сифатларнинг муҳимларини таҳлил қилиш ва рўйхатини тузиб ҳисобга олишни талаб қилади (дастлабки мезон).

Иккинчи босқичда белгиларни такомиллаштириш ва ривожлантириш шароитлари мувофиқлигини таъминловчи вазифаларни шакллантириш ва уни ҳал қилиш йўналишини тўғри белгилаб олиши зарур.

Учинчи босқичда шахсни тавсифловчи ижодкорлик белгиларининг қай даражада ривожланиб, такомиллашиб бораётганлигини баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Тўртинчи босқичда ўқувчининг ижодкорлигини белгиловчи кучли ва кучсиз (бўш) томонлари рўйхати тузилиб, қайтадан такомиллаштириш режаси ишлаб чиқилади.

Бешинчи босқичда белгиланган муддатда такомиллаштириш зарур бўлган ижодкорлик белгилари ҳолати натижалари таҳлил қилинади.

“Педагогик тажриба-синов ишлари ва натижалари таҳлили” деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади, технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид креативлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг ҳунармандчилик сирларини ўрганишга ундовчи омилларни шакллантириш имконини берувчи педагогик жараёндан, яъни дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ҳунармандчиликнинг тўқувчилик (гилам тўқиш, бўйра тўқиш, аёллар ва эркаклар кийимларини тўқиш, ёш болаларга пайпоқ, қўлқоп тўқиш ва бошқалар), тикувчилик (эркаклар ва аёллар миллий кийимларини тикиш, кўрпа-ёстиқ, чойшаблар тикиш ва бошқалар), каштачилик ва заргарлик (кашта тикиш, миллий кийимларга биссер тикиш ва ҳоказолар) ни ўрганиш мобайнида креатив фикрлашни ошириш. Ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларни ривожлантирадиган “Technology crafts” Web сайт ва (БББХ методи, Кластер(тармоқлар) жадвали, VENN диаграммаси ҳамда Ролли ўйини методи) “Hand craft”, “Magik finger Art” методларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари 2015-2020-йиллари мобайнида амалга оширилиб, унга 359 нафар респондент жалб этилди. Тадқиқот ишининг асосий тажриба-синов ишлари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига қарашли 5-сонли умумий ўрта таълим мактаби, Сирдарё вилоятининг шаҳридаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактаби ва Бухоро вилоятининг шаҳридаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактабларида уч босқичда олиб борилди:

1. Асословчи тажриба босқичида ўқувчиларни миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини аниқлашга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этилди. Кўзда тутилган мақсадга эришишда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфларида таҳсил олаётган ўқувчилар билан ишлаш жараёнини кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари каби методлардан фойдаланилди. Буларнинг барчаси тадқиқот ишининг асосий йўналиши ва дастурини муайян даражада аниқлаш имконини берди. Тадқиқот мавзусига оид етакчи олимлар, педагогларнинг илмий ишлари таҳлил қилинди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида тадқиқоти томонидан тавсия этилаётган кўрсатма, йўриқнома ва методик ишланмалар асосида амалий-методик фаолият ташкил этилди. Бунда ўқувчилар фаолиятини бевосита ва билвосита педагогик кузатиш, улар иштирокида машғулотларни ўтказиш, суҳбат ва анкета сўрови каби методлар ёрдамида ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик таъсир ҳамда мустақил фаолиятни йўлга қўйиш асосида ижодий компетенцияларни шакллантиришга катта аҳамият қаратилди. Назарий тадқиқот иши натижасида аниқланган илмий ечимлар лойиҳа таълим технологияси ва ўқув портфолиосини яратишда амалий қўлланилди ҳамда улар асосида тажриба-синов машғулотлари олиб борилди. Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар қаторида ўқувчиларнинг лойиҳавий-тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашга доир ишларга алоҳида аҳамият қаратилди.

3. Таъкидловчи тажриба босқичида ўқувчилар томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий ва ўқув лойиҳаларини баҳолаш асосида тадқиқоти томонидан тавсия этилаётган методик таъминотнинг самарадорлиги, шунингдек, ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятлари шаклланганлиги ва ривожланиш даражасининг ҳолати аниқланди. Ўқувчиларни миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини тарбиялаш ва ривожлантириш самарадорлигини янада ошириш борасида амалга оширилган ишларни мустаҳкамлаш ҳамда камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар, тавсиялар, ўқувчиларни миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларининг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолаш учун мезонлар ишлаб чиқилди. Шакллантирувчи тажриба-синов машғулотлари ўтказилди, тадқиқот иши натижалари амалиётга татбиқ этилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилганлиги математик-статистик методлар ҳамда холис экспертлар томонидан баҳолаш орқали тасдиқланди.

3-жадвал

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожланганлик даражалари

Мезонлар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
Мотивацион-когнетив	13,6	63,6	22,7	14,2	66,6	19,0
Амалий-операцион	13,6	59,0	27,2	14,2	57,1	28,5
Рефлексив-ижодий	9,0	68,1	22,7	4,7	71,4	23,8

Ўқувчиларни миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришда, айниқса, қуйидаги методлардан фойдаланишга эътибор қаратилди: 1) объектли тестлар; 2) объектли


сўровномалар; 3) социометрик (шахсни, гуруҳларни, хусусан, ўқитувчи ва ўқувчилар билан муносабатлар жараёнини ўрганиш) методлари.

Самарадорлиги башоратланган дастурнинг таълим амалиётига қай даражада мослигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича тажрибадан аввалги ва кейинги ҳолатлар қиёсий таҳлили сонда ҳамда фоиз ҳисобида қилинди (3-жадвал)

3-жадвал

Ўқувчиларнинг миллий хунармандчилик воситасида креативлик қобилиятларининг ривожланганлиги кўрсаткичлари

Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
	Тажриба бошида, 158 нафар		Тажриба охирида, 154 нафар		Тажриба бошида, 158 нафар		Тажриба охирида, 151 нафар	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Юқори	20	12,7	39	25,3	115	9,5	25	16,6
Яхши	46	29,1	64	41,6	42	26,6	55	36,4
Ўрта	102	58,2	51	33,1	101	63,9	71	47,0
Жами	158	100	154	100	158	100	151	100



4–расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг натижалари гистограммаси.

Гистограммадан кўришиб турибдики, ўқувчиларда миллий хунармандчиликка оид креатив қобилиятларнинг ривожланганлик даражаси ва юқори самарадорликка эришган тажриба гуруҳи ўқувчиларида ҳар уч босқич натижаларига кўра сифат кўрсаткичи 12,7% дан 25,3 % га, назорат гуруҳи ўқувчиларида ҳар уч босқич натижаларига кўра сифат кўрсаткичи 9,3 % дан 16,6 % ошган. Бундан хулоса қилиш мумкинки тажриба гуруҳларида сифат самарадорлик кўрсаткичи 12,6 % га кўтарилган.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва ҳуқуқларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини электрон ахборот таълим муҳитида ривожлантиришга қаратилган “Technology crafts” Web сайти воситасида (электрон ахборот таълим муҳитини яратиш, таълим платформасини ташкил этиш, маълумотлар базасини яратиш, аудио ва видео материаллари, адабиётлар базасини яратиш, ZOOM орқали машғулотларни ташкил этиш ва ўқувчилар билимини назорат қилиш) педагогик жараён функциялари ва имкониятлари асосланди.

2. Педагогик-психологик шарт-шароитлари, таълимий, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари ва ташкил этиш шакллари (дарс ва дарсдан ташқари), мазмуни, механизмлари ва ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилди.

3. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантириш имкониятлари техник-технологик объектларни яратиш, мустақил фикрлаш, ҳунармандчиликка оид атамаларни ўзлаштириш, ижодий фаолият босқичларини ҳамда анъанавий ва электрон ахборот таълим муҳитини қиёсий таҳлил этиш асосида очиб берилди.

4. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган электрон ахборот таълим муҳити (“Technology crafts” Web сайти)нинг таълим жараёни интенсивлиги ва самарадорлигини оширади.

5. Педагогик жараёнда назарий билимлар ва амалий ҳаракатларнинг узвийлигини таъминлаган ҳолда, ўқувчилар билимини ностандарт тестлар асосида баҳолаш ва жараён самарадорлиги ошишини таъминлашга қаратилган инновацион ёндашувнинг ўрни ва роли аниқланди.

6. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришда “Technology crafts” Web сайти ва (БББХ методи, Кластер(тармоқлар) жадвали, VENN диаграммаси ҳамда Ролли ўйини методи) ҳамда “Hand craft”, “Magik finger Art” методлари қўлланилиши натижасида амалий машғулотларда креатив қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган таълим муҳити яратилди.

7. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ҳамда таянч компетенцияларини шакллантириш, шунингдек, инновацион фикрлаш доирасини кенгайтириш, хотирасини ўстириш ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган электрон дастурлар ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган инновацион таълим технологияларининг самарадорлиги тажриба-синов ишлари натижалари асосида таҳлил қилиниб, “Technology crafts” Web сайтини дарсда

ва дасрсдан ташқари машғулотларда қўллаш анъанавий ёндашувга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Олинган натижалар тажриба-синов ишларининг самарали бўлганлигини тасдиқлади.

Юқорида келтириб ўтилган хулосаларни инобатга олиб, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

технология фанини ўқитишда ўқувчилар креатив қобилиятларини ривожлантиришда электрон ахборот таълими ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш;

электрон ахборот таълими муҳитида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид креатив қобилиятларини ривожлантириш учун бошланғич синфданок уларни босқичма-босқич мустақил ижодий ишларга ва ҳунармандчилик элементларини ўрганишга тизимли ўргатиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУКУМОВА ФЕРУЗА ХУДОЙКУЛОВНА

**ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ УЧАЩИХСЯ КРЕАТИВНЫХ
СПОСОБНОСТЕЙ КАСАЮЩИХСЯ НАЦИОНАЛЬНОГО
РЕМЕСЛЕННОСТВА**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (технология)

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации Доктора Философии (PhD) по педагогическим наукам

Термез – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Ped1220.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tersu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Куйсинов Одил Алмуротович доктор педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Булатов Саидахбор Собитович доктор педагогических наук, профессор Нормуродов Чори Бегалиевич доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Кокандский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится 29 12 2021 года в 9⁰⁰ часов на заседании научного совета по присуждению ученых степеней PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 при Термезском государственном университете (адрес: 190111, г. Термез ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: temizdu@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрирована за № 40). Адрес: (адрес: 190111, г. Термез ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: temizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «17» 12 2021 года.
(протокол рассылки № 10 - от «17» 12 2021 года).



И.Т.Чориев

председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

М.К.Бозорова

ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Х.Ж.Худойкулов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интеграция образования и культуры в мире, явление «гибридной культуры», «массовой культуры», индивидуализма, совершенствование модели национального образования, воспитание учащейся молодёжи в духе национальных традиций являются актуальной научно-педагогической проблемой. Решение этой проблемы повышают потребность и необходимость внедрения прогрессивного национального учебного воспитания, методов и средств, инновационных технологий обучения, развитие творческих способностей учащихся посредством народного ремесленничества, послужат формированию национального чувства и гордости.

На основе инновационных подходов, в мировых образовательных учреждениях креативно-модульные технологии формирования технологических компетенций у учащихся применяются в учебном процессе. В рамках (international project on scientific and Technological literacy for all) Международного проекта ЮНЕСКО «научная и технологическая грамотность для всех» осуществляются системные работы по реализации глобальных задач образования, эффективному внедрению их в практику технологического мировоззрения, технологической грамотности, формирования технологической компетенции, а также инновационных подходов. Особое внимание уделяется учебно-воспитательной работе по сохранению культурно-нравственных ценностей, возрождению народного прикладного искусства, национальных традиций ремесленничества и поддержке их развития.

Для достижения высоких результатов при обучении предмета технологии в общеобразовательных школах страны на основе инновационных технологий, проводится широкоохватная целенаправленная работа по совершенствованию и модернизации содержания современных форм и направлений при обучении народного ремесленничества, особенно с широким использованием интерактивных методов, дидактической, компьютерной и графики и педагогических средств. Для определения важных направлений стратегических задач в области современного обучения и воспитания созданы большие возможности. В Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию ремесленничества и всесторонней поддержке ремесленников»² отмечается приоритетное значение школы народного ремесленничества, роль наставника и ученичества в пробуждении у них чувства национального духа и гордости в становлении учащихся как духовно зрелых личностей.

Данная исследовательская работа в определенной степени послужит реализации задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 7 февраля. 2017 года № УП 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

№ УП 5242 от 17 ноября 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию ремесленничества всесторонней поддержке ремесленников» № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного

образования Республики Узбекистан» до 2030 года, № УП -6108 от 06 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», № ПП- 4539 от 28 ноября 2019 года «О дополнительных мерах развития ремесленничества и поддержке ремесленников», № ПП 4884 от 06 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания» и других нормативно-правовых актах, относящиеся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетной программы развития науки и технологий Республики Узбекистан: «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

